

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30. 06. 2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРГАНОВА МАТЛУБА ЖОББОРГОНОВА

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ТУРКМАНЛАРИ ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗЛИГИНИ
АНГЛАШИ: АНЪАНАЛАР ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР
(Тарихий-этнологик тадқиқот)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

УДК: 39:572.9(575.4)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Эгамберганова Матлуба Жобборгоновна

Хоразм воҳаси туркманлари этномаданий ўзлигини англаши: анъаналар ва трансформацион жараёнлар (тарихий-этнологик тадқиқот).....5

Эгамберганова Матлуба Жобборгоновна

Этнокультурная идентичность туркмен Хорезмского оазиса: традиции и трансформационные процессы (историко-этнологическое исследование).....27

Egamberganova Matluba Jobborgonovna

Ethnocultural identity of the Turkmens of the Khorezm oasis: traditions and transformational processes (historical and ethnological research).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30. 06. 2021.Tar.55.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРГАНОВА МАТЛУБА ЖОББОРГОНОВА

ХОРАЗМ ВОҲАСИ ТУРКМАНЛАРИ ЭТНОМАДАНИЙ ЎЗЛИГИНИ
АНГЛАШИ: АНЪАНАЛАР ВА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР
(Тарихий-этнологик тадқиқот)

07.00.07 – Этнография, этнология ва антропология

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2021.4.PhD.Таг661 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://urdu.uz>) ҳамда "ZiyoNet" (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аширов Адхамжон Азимбаевич, тарих фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	Абдуллаев Улугбек Сайданович, тарих фанлари доктори, профессор, Давлатова Саодат Тиловбердиевна, тарих фанлари доктори, катта илмий ходим.
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.06.2021. Таг.55.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» ноябрь соат 18.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16;

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (622 рақам билан рўйхатга олинган). (220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжонкўчаси, 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-66-16; e-mail:info@urdu.uz)

Диссертация автореферати 2022 йил «24.10» кунини тарқатилди.
(2022 йил «4» даги рақамли реестр баённомаси.)



С.Р. Давлетов,
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор.

Я.А. Каримов,
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, PhD., доцент.

У.И. Абдуллаев,
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX асрнинг охирига келиб турли миллатларнинг ўзлигини англаши ва миллий маданиятларнинг ранг-баранглигини сақлаб қолиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса моноэтник мамлакатларда яшовчи турли этник гуруҳларнинг ўзига хослигини белгиловчи миллий хусусиятлар ва ўзликни англашга бўлган илмий қизиқишни юзага келтиради. Жахонда барча маданиятлар ва этносларнинг тенглиги, маданий меросни ҳимоя қилиш, маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга асосланган халқаро муҳитни яратиш ғоялари илгари сурилмоқда. Натижада дунёнинг турли моноэтник минтақаларида яшовчи этник гуруҳлар ва ирредентларнинг этномаданий ўзлигини англаши, миллий анъаналарини илмий жиҳатдан ўрганиш заруратини пайдо қилмоқда.

Ўзбекистон тараққиётининг бугунги босқичида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамизда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида сўнгги йилларда жуда катта амалий ишлар бажарилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда яшовчи 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида бирлашиб, ҳукумат миқёсида турли иллат вакиллари миллий ўзига ҳослигига катта эътибор қаратилмоқда.

Хоразм воҳасида туркманлар беш асрдан ортиқ вақт мобайнида ўзбеклар билан ўзаро аҳилликда яшаб келмоқда. Туркман ва ўзбекларнинг тарихи, маданияти, тили ва урф-одатларида жуда кўплаб умумий жиҳатлар бўлишига қарамасдан минтақада яшовчи туркманлар ўзига хос маданияти, ижтимоий, жамоавий турмуш тарзи ва миллий анъаналари билан фарқланади. Шу маънода воҳа туркманларини этномаданий ўзлигини англашидаги анъаналар ва трансформацион жараёнларни этнологик аспектда тадқиқ қилиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 5046-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2993-сонли Қарори, 2019 йил 15 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5876-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 декабрдаги “Хоразм вилоятидаги “Ўзбек-Туркман дўстлик уйи” ва “Улли ҳовли” мажмуаси дирекциясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 815-сонли, 2021 йил 15 июндаги “2021–2022 йилларда Хоразм вилоятининг туризм

салоҳиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 369-сонли Қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш ҳамда этнология фанининг айрим муаммоларини ёритишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ҳамда уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм воҳаси туркманлари анъанавий турмуш тарзи, этномаданий ўзлигини англаши, анъана ва маросимларини тадқиқ этишда мавзуга оид манба ҳамда адабиётларни хронологик жиҳатдан қуйидаги тўртта гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. Россия империяси даврида яратилган ишлар;
2. Совет даври тадқиқотлари;
3. Мустақиллик йилларида амалга оширилган илмий изланишлар;
4. Хорижий тадқиқотлар.

Биринчи гуруҳ адабиётларига Хива хонлигига ташриф буюрган элчи, сайёҳ, зобитларнинг эсдаликлари ва ҳисоботлари билан бирга турли статистик нашрларни киритиш мумкин. Бу даврда мавзу доирасида яратилган асарлар асосан тавсифий характерга эга бўлиб, уларда Хоразм воҳаси туркманларининг этномаданий ўзлигини англаши, урф-одат ҳамда маросимларига оид айрим қисқа маълумотлар қайд қилинган.

Совет даврига келиб, этнография фани институционал ривожланганлиги боис, бу даврда олиб борилган дастлабки илмий экспедицияларда воҳа туркманларининг кундалик ҳаёти бирмунча кенг тавсиф қилинган. Аммо, бу даврда яратилган аксарият тадқиқотлар совет даври мафқурасини тарғиб қилишга йўналтирилганлиги билан ҳам характерланади.

Тадқиқотнинг учинчи гуруҳига мустақиллик йилларида Хоразм туркманлари тарихи, маданияти ва этнографиясининг айрим қисмларига бағишланган тадқиқотларни киритиш мумкин. Уларда асосан, воҳа туркманлари тарихи ва миллий маданиятига оид қизиқарли масалалар таҳлил қилинган бўлсада уларнинг миллий ўзлигини англашидаги ўзгаришлар яхлит муаммо сифатида ёритилмаган.

Тўртинчи гуруҳ адабиётларини воҳа туркманларига оид хорижий тадқиқотлар ташкил қилади. Ушбу таҳлилларда Хоразм воҳаси туркманлари ўзига хослиги масаласи алоҳида тадқиқ этилмаган бўлса-да, улардан қиёсий материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, Хоразм воҳаси туркманлари этномаданий ўзлигини англаши, анъаналар ва трансформацион жараёнлар масаласи махсус тадқиқот объекти сифатида

комплекс тадқиқ этилмаган ва унинг этнолокал хусусиятлари тизимли равишда ёритилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий ўқув юрти ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Урганч давлат университети ва Хоразм Маъмун академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ, № Ф1-ФА-О-16549 –“Хоразм тарихи (I жилд. Энг қадимги даврлардан V асргача. II жилд. V асрдан XVI асргача)” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳаси туркманлари этномаданий ўзлигини англашини замонавий этномаданий муносабатлар таъсирида ўзгаришини этнографик материаллар асосида таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

– Хоразм воҳасига дастлаб кўчиб келган ва бугунги кунда воҳада муқим яшовчи туркман уруғларини аниқлаш;

– туркманлар жамоавий ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, анъанавий хўжалигидаги ўзгаришларни ўзаро қиёслаш ҳамда уларнинг трансформациялашув сабабларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш;

– Хоразм туркманларининг этнолингвистик жиҳатдан ўзлигини англаши, моддий маданиятдаги ўзига хослик ва ўзгаришларни ўрганиш;

– тадқиқот натижалари ҳамда дала амалиётида тўпланган маълумотлар асосида туркманлар оилавий маросимларда содир бўлган трансформацион жараёнларни кўрсатиб бериш.

Тадқиқот объекти сифатида Хоразм воҳасида яшовчи туркманлар белгилаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети воҳа туркманлари этномаданий ўзликни англаши: этник, лингвистик хусусиятлари, хўжалик-маданий анъаналари, урф-одатлари ва этномаданий ўзликни англаш жараёнларидаги ўзгаришларни этнологик аспектда ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихий маълумотларни илмий ва объектив тарзда баҳолаш, тарихий таҳлил, қиёслаш, этносоциологик (анкета-сўровнома, кузатув ва интервью) усулларида кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XVI - XIX асрларда минтақада юз берган сиёсий-иқтисодий жараёнлар(уруғлар ўртасида низолар, ҳарбий хизмат, ер ва сув муаммоси, қурғоқчилик) натижасида Хоразм воҳасига туркман уруғлари(эрсари, ёвмуд, така, човдур, чандир, қорадошли, ота, ших, мехинли, игдир,)нинг миграцияси юз берганлиги тарихий манбалар ва этнографик материаллар асосида аниқланди;

совет даврида олиб борилган миллий сиёсат, аҳолини мажбурий тартибда жамоа хўжаликларига жалб қилиниши, колхозлар ташкил этилиши натижасида туркманларнинг идентиклик тизимида уруғ-қабилавий ўзликни англашдан миллий ўзликни англашга ўзгариши ва номадик(кўчманчи)

хўжаликдан ўтроқ деҳқончилик турмуш тарзига ўтиши юз берганлиги илмий жиҳатдан асосланди;

XX асрнинг 50-60-йилларидан бошлаб воҳа туркманлари кундалик ҳаётида асосан икки тил(туркман ва ўзбек) устувор бўлган бўлса 90 - йиллардан бошлаб Хоразм ўзбек шеvasи асосида туркман тилининг янги лаҳжаси шаклланганлиги аниқланди;

глобализацион жараёнлар ва ўзбеклар билан қўни-қўшнчилик алоқалари таъсирида воҳа туркманлари оилавий маросимларида “ақиқа”, “бешик тўйи”, “лачак тўйи” “чилла”, қабрларни ер устига қўйилиши каби янги анъаналар кенг оммалашганлиги этнографик маълумотлар асосида кўрсатиб берилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятида туркманлар яшайдиган қишлоқ ва маҳаллаларнинг харитаси яратилди. Харитада вилоятдаги жами 8 та қишлоқда яшовчи туркманлар ҳақидаги тарихий-статистик, демографик маълумотлар (нуфуси, ижтимоий ҳолати, демографик ҳолати) акс этган;

Хоразм воҳаси туркманлари этномаданий ўзлигини англаш жараёнига доир маълумотлар илк бор умумлаштирилган мазкур тадқиқот Ўзбекистонда миллатлараро бирдамлик ва тотувликни мустаҳкамлашда, мамлакатимизда яшовчи ҳар бир этноснинг ўзига хос миллий маданияти ва этник хусусиятларини ўрганишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади;

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги: Хоразм воҳаси туркманларининг миллий ўзлигини англаши, ижтимоий ҳаёти, урф-одат ва маросимларини ўрганишда замонавий этнология фанида эътироф этилган ёндашув ва усулларни қўлланилганлиги, кўп турдаги тарихий-этнографик адабиётлардан фойдаланилганлиги, бирламчи этнографик манбаларга асослангани, ҳолислик тамойилларининг қўлланилганлиги, Республика ва халқаро илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм воҳаси туркманларининг миллий анъана ва маросимлари ва воҳа этнологиясини ўрганиш ҳамда “Ўзбекистон умумий уйимиз” мавзусидаги тадқиқотлар ривожига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Марказий Осиё минтақасида миллий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашга доир “Йўл харита”ларини ишлаб чиқишда, юртимизда яшаётган халқлар тарихи, маданиятига оид илмий-оммабоп нашрлар тайёрлашда, миллий бағрикенгликка доир илмий лойиҳалар ва сайтлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм воҳаси туркманлари этномаданий ўзликни англаши масалаларини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва хулосалар асосида:

Хоразм воҳаси туркманларининг ўзлигини англаши ва урф-одатлари бўйича келтирилган илмий хулоса, амалий таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан воҳада истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро тотувликни тарғиб қилишда фойдаланилди (Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 26 ноябрдаги 14-07-2161-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий натижаларнинг жорий этилиши кўп миллатли Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар миллий маданияти, анъана ва маросимларни кенг тарғиб этишга асос бўлади;

Диссертацияда илгари сурилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан Республика “Маънавият ва маърифат маркази” ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида ўтказилган тарғибот фаолиятида фойдаланилган. Жумладан, “2021 йилда Ўзбекистон Республикасида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар” дастурининг VI йўналишига оид “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш” 51 банди – Таълим муассасаларида ўқувчиларнинг маънавий-маърифий билимлари ва дунёқарашини юксалтириш, жойлардаги тарихий обидалар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш мақсадида “Юртим тарихини ўрганаман” ва “Юртим бўйлаб ўн кун саёҳат” лойиҳасини амалга оширишда диссертация материалларидан фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат маркази” ҳузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 10 февралдаги 13-сонли далолатномаси). Диссертациянинг асосий натижалари Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларнинг қадимий ва бой тарихи ҳамда моддий-маънавий маданиятини кенг жамоатчиликка етказишга хизмат қилган;

диссертациядаги янги фактларга асосланган материаллардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston tarixi” телеканали ижодкорлари томонидан тайёрланган “Тарихий савол” ва “Хива – туркий дунё маданияти пойтахти” кўрсатувининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилди (“O‘zbekiston tarixi” телеканалининг 2021 йил 10 февралдаги 40-40-210-сонли маълумотномаси). Мазкур маълумотлар ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Диссертация натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Тадқиқот мавзуси бўйича 10 та илмий иш нашр этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, (улардан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналлар)да мақола, 4 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти, предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончилиги ва илмий-амалий аҳамияти, илмий натижаларнинг жорий қилиниши тавсифланган.

Диссертациянинг **“Мавзунинг тарихшунослиги ва назарий-методологик асоси”** деб номланган биринчи бобида воҳа туркманлари ўзлигини англаш жараёнининг ўрганилиш тарихшунослиги ва мавзуни ёритишда қўлланилган назариялар хусусида сўз боради.

Биринчи бобнинг **“Мавзунинг манбашунослиги ва тарихшунослиги”** деб номланган биринчи параграфида воҳа туркманлари этнографиясига оид тарихий манбалар ва илмий адабиётлар даврийлик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Тадқиқот манбалари ҳақида тўхталганда шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ўрта асрларда яратилган тарихий манбаларида туркманлар этнографияси ва этник тарихи бўйича кўплаб маълумотлар учрайди. Жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Рашидиддиннинг “Жомеъ ат-таворих”, Шиҳобиддин Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абдулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк” ва “Шажарайи тарокима”, Шермуҳаммад Мунис ҳамда Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Фирдавс ул-икбол (Бахту саодат жаннати)” ҳамда Огаҳийнинг “Риёз уд-давла”, “Зубдат ут-таворих”, Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажарайи Хоразмшоҳий” ва Ҳасан Атонинг Абушийнинг “Туркий кавмлар тарихи” каби асарларида мавзу доирасида айрим маълумотлар қайд қилинган¹.

¹ Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968; Рашид-ад-дин. Джами ат-таварих. Сборник летописей. Тома 1–3. – М–Л.: Издательство АН СССР, 1946, 1952, 1960; Shahobiddin Muhammad an-Nasaviy. Jaloliddin Manguberdi. – Toshkent: O'zbekiston, 1999. – 432 b.; Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. 1-жилд / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент, 1960; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи / Таржимонлар: Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, М. Ҳасаний. – Тошкент: Чўлпон, 1993; Абдулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент, 1992; Ўша муаллиф: Шажарайи тарокима. – Тошкент, 1995; Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳий / Мерос. – Тошкент, 1991; Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол / Таржимонлар: Ш. Воҳидов, И. Бекчанов, Н. Полвонов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010; Муҳаммадризо Огаҳий. Асарлар / Нашрга тайёрловчи Ғ.

Биринчи гуруҳ адабиётлари Россия империяси даврида эълон қилинган ишлар бўлиб, бу ишларда асосан, туркманларнинг этник таркиби, уруғ қабилавий тузилиши, урф-одат ва маросимлари, “туркман” этнонимининг келиб чиқиши каби масалалар этнографик жиҳатдан тавсифланган. Мавзу доирасида бу даврда яратилган асарларга А. Л. Кун, Г. И. Данилевский, А. В. Каульбарс, И. Н. Веселовский, Ш. Ибрагимов ва Н. Муравьевларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин². Мазкур муаллифлар томонидан асосан тавсифий мазмунга эга материаллар қайд қилинган. Жумладан, 1819–1820 йилларда ўлкада яшовчи халқларнинг ҳарбий салоҳияти, ҳўжалик ва маданий ҳаётини ўрганган ҳарбий мутахассис Н. Муравьев “Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 гг.” асарида туркманларнинг яшаш тарзи ва ҳўжалик ҳаётида чорвачилик тармоғи муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида маълумот беради³. Лекин, ушбу маълумотлар тавсифий характерга эга бўлиб, мавзунинг кўламини тўлиқ қамраб олмаганлиги билан характерланади.

1842 йилда Хивага келган полковник Г. И. Данилевский хонликдаги туркманлар ҳақида тўлиқ бўлмаса-да, айрим маълумотларни қолдирган. Муаллиф асосан, Россия босқини арафасида Хива хонлигининг туркманлар билан муносабатлари тўғрисида тўхталган⁴.

1873 йилда Хива хонлигини босиб олиш бўйича ҳарбий юришларда минтақага келиб ҳудудни яқиндан ўрганган И. Ибрагимов хонлик ҳудудида яшовчи аҳолининг этник таркибида муҳим роль ўйнаган ўзбеклар, туркманлар, козоқлар, қорақалпоқларнинг кундалик ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари, оилавий муносабатлари, урф-одат ва маросимлари, маҳаллий халқларга хос халқ иборалари, мақоллари ва маталларини қиёсий тарзда таҳлил қилган⁵.

Хоразм туркманларининг этномаданий ўзликни англаш жараёнини ўрганишда туркманларнинг этногенези ва этник тарихи билан боғлиқ тадқиқотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ушбу йўналишдаги дастлабки илмий изланишлар XIX аср охири – XX аср бошларида В. В. Радлов⁶, Ч. Валихонов⁷, Н. А. Аристов⁸ ва В. В. Бартольд⁹ каби муаллифлар томонидан

Каримов ва С. Долимов. Олти жилдик. – Тошкент, 1971. Ҳасан Ато Абуший. Туркий кавмлар тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – 240 б.

² Кун А. Л. От Хивы до Кунграда. – МСТ. Вып. IV. – 1876. – С. 203–222; Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г. // ТС. – Ташкент, 1873. Т. 83. – С. 184–189; Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства // Записки Императорского Русского географического общества. Кн. V. – СПб., 1851; Муравьев Н. А. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах, гвардейского Генерального Штаба капитана Николая Муравьева, посланного в сии страны для переговоров. – М.: Типография Августа Семена, 1822; Каульбарс А. В. Низовья Аму-Дарьи, описанные по собственным исследованиям в 1873 г. / Записки ИРГО, 1881. Т. IX.; Веселовский И. Н. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве с древнейших времен до настоящего времени. – СПб., 1877.; Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковой крепости // ЗРГО. Кн. 2. – СПб., 1861.; Ибрагимов Ш. Некоторые заметки о хивинских туркменах и киргизах (Из записной книжки) // Военный сборник издаваемый по высочайшему повелению. Год семнадцатый. Том. LXLIXI. – СПб., 1874. – С. 133–163.

³ Муравьев Н. А. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах.... – С. 25–26.

⁴ Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства.... – С. 62–139.

⁵ Ибрагимов Ш. Некоторые заметки о хивинских туркменах и киргизах... – С. 133–163.

⁶ Радлов В. В. Из Сибири. – М., 1989. – 752 с.

⁷ Валиханов Ч. Ч. Собрание сочинений в пяти томах. Т. 1. – М., 1984. – 432 с.

олиб борилган. Жумладан, В. В. Бартольд 1929 йилда “Туркман халки тарихи” асарини ёзган. Мазкур асарда туркман халқининг пайдо бўлишидан то XIX асргача бўлган даврни ўз ичига олиб, ўғуз (туркман)лар тарихи тўғрисида маълумот берилган¹⁰.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш керакки, Россия империяси даврида яшаган тадқиқотчиларининг аксарияти мустамлакачилик сиёсатидан келиб чиқиб, ўлка аҳолисини тадқиқ қилгани боис бу давр адабиётларида этномаданий ўзликни англаш ва миллий қадриятлар каби масалалар эътибордан четда қолган.

Совет даврида олиб борилган тадқиқотларда эса Хоразм воҳаси туркманлари этнографиясига алоҳида эътибор қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, XX асрнинг 30- йилларида воҳа бўйлаб комплекс архео-этнографик экспедиция ташкил қилинган бўлиб, унда асосан, тарихчи-археолог ва этнографлар иштирок этган. 1945–1948 йилларда экспедиция таркибида қадимги Хоразм воҳасида яшовчи қорақалпоқлар, ўзбеклар ва туркманларнинг анъанавий моддий маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, тарихий дostonлари ҳамда ривоятларнинг ўрганиш мақсадида тарихий-этнографик илмий-тадқиқот гуруҳлари ташкил қилинади¹¹. Мазкур экспедиция тадқиқотлари натижасида Хоразм воҳасининг моддий ва маънавий маданияти ҳамда этник таркибига оид муҳим мақолалар чоп этилган¹². Шунингдек, С. П. Толстов, Я. Ф. Ғуломов, Т. А. Жданко, Г. П. Снесарев, К. Л. Задиҳина, Г. П. Васильева, М. И. Богданова, С. Морозова, Г. Е. Марков, Ю. Э. Брегель ва Л. Ошанинлар воҳа аҳолисининг этник тарихи, этник таркиби ҳамда антропологияси бўйича муҳим илмий тадқиқотлар олиб борган эди¹³.

⁸ Аристов Н. А. Заметки об этническом составе тюркских племен и народностей и сведения об их численности // Живая старина. – СПб., 1896. – Вып. 3–4. – 183 с.

⁹ Бартольд В. В. Очерки истории туркменского народа. Соч. Том. 2. Ч. 1. – М., 1963. – 1024 с.; Вопросы, предлагаемые Императорским Русским географическим обществом при исследовании Хивинского ханства и сопредельных с ним степей в географическом, этнографическом и культурно-историческом отношении. – СПб., 1873. – 37 с.

¹⁰ Бартольд В. В. Очерк истории туркменского народа. Сочинения. Т. 2. Часть 1. – Москва: Изд. Восточной литературы, 1963. – С. 547–627.

¹¹ Жданко Т. А. Этнографические исследования Хорезмской экспедиции (народы, проблемы, труды) / Культура и искусство древнего Хорезма. – М.: Наука, 1981. – С. 21–22.

¹² Толстов С. П. Хорезмский всадник // КСИИМК. – М., 1939. Вып. 1. – С. 7–9; К истории хорезмийских сиявушидов (новые данные по нумизматике древнего Хорезма) // Известия АН СССР. Серия истории и философии. – М., 1945. Т. 2. – №4. – С. 275–286; К вопросу о протохорезмийской письменности // КСИИМК. – М., 1947. Вып. XV. – С. 38–42.

¹³ Толстов С. П. Генезис феодализма в кочевых скотоводческих обществах / Основные проблемы генезиса и развития феодального общества. — М–Л.: Соцэкгиз, 1934. – 396 с.; Города гузов: Историко-этнографический очерк // Советская этнография. – 1947. – № 3; По следам древнехорезмийской цивилизации. – М–Л.: Изд-во АН СССР, 1948. – 328 с.; Ғуломов Я. Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи (Қадимги замонлардан ҳозиргача). – Тошкент: Фан, 1959; Жданко Т. А. Основные этапы этнической истории народов Средней Азии и Казахстана / Народы Средней Азии и Казахстана. – М., 1962. Семья у народов Средней Азии / Семейный быт народов СССР. – М., 1990; Снесарев Г. П. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. – М.: Наука, 1969. – 336 с.; Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. – М., 1983. – 216 с.; Традиция мужских союзов у народов Средней Азии / Материалы Хорезмской экспедиции. Вып. 7. Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958–1961 гг. II. Памятники средневекового времени. Этнографические работы. – М., 1963; Задиҳина К. Д. Узбеки дельты Аму-Дари / Труды Хорезмской экспедиции. Т. I. – М., 1952;

Хоразм археология–этнография экспедицияси раҳбари С. П. Толстов ўзининг кўплаб тадқиқотларида туркманлар этногенези ва этник тарихи масаласига алоҳида тўхталган. У ўзининг “Қадимги Хоразм” асарида “Массагет этник қатлами айнан туркман этногенезида энг катта ролга эга бўлиб, теке уруғи вакиллари эса дахларнинг бевосита авлоди ҳисобланади”- дея таърифлаган¹⁴. Аммо, муаллифнинг ушбу фикри анча мунозарали бўлиб, алоҳида тадқиқот доирасида ўрганишни талаб этади. Бундан ташқари, С. П. Толстовнинг бошқа бир асарида Хоразм воҳасида ўзбеклар билан ёнма-ён хўжалик фаолияти олиб борган қорақалпоқ ва туркманлар ҳақидаги қиёсий маълумотлар учрайди¹⁵.

Совет ва америка тарихчиси Ю. Э. Брегель томонидан Хоразм туркманлари этнографияси, этник таркиби, қабилавий тузилиши ҳамда хўжалигини ўрганиш бўйича хонликдаги архив материаллари асосида самарали тадқиқотлар амалга оширилган¹⁶. Лекин унинг тадқиқотларида асосан Россия империяси босқини даврида туркманларнинг Хоразм воҳасида жойлашуви ва унинг сабаблари ўрганилган бўлиб, минтақа туркманларининг миллий ўзлигини англаши, урф-одат ва анъаналари масаласи очиқ қолган.

Хоразм воҳаси туркманларининг этнографиясини ўрганишда ХХ асрнинг 60–90 йилларида С. З. Агажанов¹⁷, М. А. Аннанепесов¹⁸, О. Б. Бабаков¹⁹, А.Ж. Жикиев²⁰, М. Дурдыев²¹, С. П. Поляков²², А. Ўрозов²³, М. Сапаров²⁴, С. Атаниязов²⁵, Б. Диванқулиева²⁶, М. С. Бердиев²⁷, С. Д. Атоев²⁸

Богданова М. И. Основные вопросы терминологического работы в Туркмении. – Ашгабад, 1936; Ошанин Л. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов. – Ереван, 1957. – 140 с.

¹⁴ Толстов С. П. Древний Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – Москва, 1948. – 351 с.

¹⁵ Толстова Л. С. Каракалпаки за пределами Хорезмского оазиса в XIX – начале XX века. – Нукус-Ташкент, 1963. – 228 с.

¹⁶ Брегель Ю. Э. Документы архива хивинских ханов по истории и этнографии каракалпаков. Москва 1967. С. 168–172; Землевладение у туркмен в Хивинском ханстве в XIX веке // Советское востоковедение. – 1957. – №3. – С. 123–136; Племя сакар в Хивинском ханстве (по документам архива хивинских ханов и хронике Баяни) / КСИВ. Вып. XXXVIII. – М., 1961. – С. 59–68; Расселение туркмен в Хивинском ханстве в XIX в. (По материалам архива хивинских ханов) / Страны и народы Востока. Вып. I. – М., 1959. – С. 242–256; Этническая карта Южной Туркмении и Хорасана в XVII–XVIII вв. / КСИЭ. Вып. XXXI. – М., 1959. – С. 14–26.

¹⁷ Агаджанов С. З. Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии (IX–XIII вв.). – Ашхабад, 1969. – 297 с.

¹⁸ Аннанепесов М. А. Хозяйство туркмен в XVIII–XIX вв. – Ашхабад, 1972.

¹⁹ Бабаков О. Б. Антропологический состав туркменских народов связи в проблемой этногенеза. – Ашхабад, 1977.

²⁰ Джикиев А. Туркмены юго-восточного побережья Каспийского моря. – Ашхабад, 1961. – 17 с.; Традиционные туркменские праздники, развлечения и игры. – Ашхабад: Юрт, 1983.

²¹ Дурдыев М. Туркмены Центральной Азии. – Ашхабад, 1993. – 40 с.

²² Поляков С. П. Этническая история северо-западной Туркмении в средние века. – М.: МГУ, 1973.

²³ Оразов А. Этнографические очерки хозяйства туркмен Ахала в XIX – начале XX вв. – Ашхабад, 1985.

²⁴ Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. – Тошкент: Фан, 1988.

²⁵ Атаниязов С. Словарь туркменских этнонимов / Под ред. П. Азимова, М. Аннанепесова. – Ашхабад: Ылым, 1988. – 179 с.

²⁶ Диванқулиева Б. Туркмены-гардашлы в XIX – начале XX века (историко-этнографический очерк). – Ашгабат, 1994. – 17 с.

²⁷ Бердыев М. С. (Байрам-Али, ТСС Р). Трансформация традиционной системы питания туркмен в наши дни. Советская этнография. – 1985. – №1. – С.88-98.

²⁸ Атдаев С. Д. Борьба северных туркмен против господства Надиршаха в Хиве. Автореферат. – Ашгабат, 1993. 20 с.

ва С. Демидов²⁹ каби тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий изланишлар муҳим ўрин тутди. Ушбу тадқиқотларда туркманларнинг этник тарихи, ҳўжалик шакли, антропологик таркиби ва тил хусусиятлари масалалари ёритиб берилган.

Хуллас, совет даври адабиётларида туркманлар этнографиясини айрим қирраларини ўрганишга эътибор қаратилган. Айниқса, бу борада олиб борилган архео-этнографик экспедициялар ва тадқиқотчиларнинг илмий хулосалари муҳим аҳамиятга эга. Лекин, масаланинг яна бир жиҳати шундаки, ушбу тадқиқотларда воҳа туркманларининг миллий ўзлигини англаш масаласи борасида деярли маълумотлар қайд қилинмаган.

Мустақиллик йилларида Хоразм воҳаси этнографиясини ўрганиш борасида ҳам маълум бир илмий изланишлар олиб борилди. Чунончи, Хоразм воҳаси туркманлари этнографияси бўйича О. Қўшжонов, И. Жабборов, Б. Йўлдошев, Г. Дурдиева, М. Матниёзов, М. Жуманиёзова, Д. Ражабов ва Қ. Муллаев сингари тадқиқотчилар томонидан кенг кўламли илмий изланишлари олиб борилди. Жумладан, тарихчи олим О. Қўшжонов туркманларнинг ёвмут, човдур, емрали, кородошли, гўклан, али эли, така, сакар, ота, махтум, мехрли, хизир эли, ихдир, туячи, чандир ва агар уруғларининг Хоразм воҳасига келиб жойлашуви ва улар маълум бир жойда муқим ўтроқлашгунча Хоразм воҳасининг турли ҳудудларида асрлар давомида кўчиб юриш сабаблари, уларнинг ҳаётида содир бўлган муҳим иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар тўғрисидаги тарихий воқеаларни баён қилган³⁰. Тадқиқотда муаммога тарихий нуқтаи назардан ёндашилган бўлиб, этнографик материалларни қисман қамраб олганлиги билан характерланади.

Шунингдек, Ўзбекистонда яшовчи туркманлар этнологияси ва этник тарихи масаласини тадқиқ қилишда А. Тўраев³¹ ва Р. Тошмуродов³²ларнинг илмий мақолаларига қиёсий таққослаш мақсадида фойдаланилди.

Мустақиллик йилларидаги тадқиқот ишларида асосан, этник ўзига хослик ва Хоразм воҳаси туркманларининг тарихини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилган бўлиб, воҳа туркманлари этномаданий ўзлигини англаши ва ундаги ўзгаришларга оид адабиётлар деярли мавжуд эмас.

Хоразм воҳаси туркманларининг этномаданий ўзликни англашини ўрганишда **хорижлик тадқиқотчилар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада Н. Дубова, Ш. Акбарзаде, Ш. Қодиров³³, А. Л. Эдгар, К. Блэквелл,³⁴ Б.

²⁹ Демидов С. М. Туркменский овлады / Под ред. В. Н. Баилова. – Ашхабад: Ылым, 1976. – 196 с.

³⁰ Қўшжонов О., Дурдиева Г. Хива хонлиги туркманлари. – Хива, 2008. – 112 б.

³¹ Turayev A. Buxoro vohasida yashab kelgan turkmanlar hayotida chorvachilikning o'rni // Scientific progress. Volume 2. Issue 1. – 2021. – P. 1165–1170.

³² Ташмуродов Р. Нурота гиламдўзлик мактаби тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар // Oriental Renaissance: innovative, educational, natural and social sciences. Volume 1. Issue 2. – P. 75–82.

³³ Кадыров Ш. Х. Становление и эволюция этнополитической организации у туркмен. Автореф. дисс.на соис. учен. степ. докт. истор. наук. – М., 2004. – 40 с.

³⁴ Blackwell C. Tradition and Society in Turkmenistan: Gender, Oral Culture and Song. Richmond, Surrey. – UK: Curzon, 2001.

Диванкулиева³⁵ ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишларини алоҳида қайд этиш жоиз.

Россиялик тадқиқотчи Н. Дубова томонидан тўпланган маълумотлар асосида ёзилган, “Халқлар ва маданиятлар” энциклопедик этнологик тўплами ҳисобланган асар туркман халқи тарихи ва маданиятининг турли жиҳатлари: тарихий, этнографик ҳамда антропологик материаллар жамланмасини ўз ичига олади. Асарда туркман этнографиясининг ўрганилиш тарихи, яшаш тарзи, кундалик ҳаёти, туркманларнинг хўжалик машғулотлари, турар жойлари, кийим-кечаклари, овқатланиш тизими, урф-одат ва маросимлари масалалари ёритиб берилган³⁶.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, Хоразм воҳаси туркманлари, уларнинг анъанавий турмуш тарзи, урф-одатлари ҳамда генеалогияси масалалари юзасидан яратилган адабиётлар, шунингдек, хорижий мутахассисларнинг тадқиқотлари, дала этнографик маълумотларда кўплаб янги ва сиёсий мафкурадан ҳоли бўлган фактик материаллар мавжуд бўлиб, ҳозирда уларни ўрганиш муҳим илмий аҳамият касб этади. Ушбу асарларда туркманларининг этник тарихи, уруғ-қабилавий тузилиши, жойлашув хусусиятлари, этномаданиятининг ўзига хос хусусиятлари маълум даражада ўрганилган бўлса-да, лекин уларнинг этномаданий ўзликини англаши масаласи алоҳида илмий тадқиқот доирасида тадқиқ этилмаган. Мазкур муаммони чуқурроқ ўрганиш орқали эса воҳа туркманларининг этномаданий ўзлигини англаши ва унинг муҳим жиҳатларига ойдинлик киритади.

Биринчи бобнинг иккинчи қисми **“Этномаданий ўзликини англаш билан боғлиқ илмий-услубий ёндашувлар”** деб номланади. Тадқиқотда “этнос” ва “идентиклик” тушунчаларига кенгроқ изоҳ берилган. Маълумки, “этнос” назариясининг шаклланиши ва ривожланишида С. М. Широкогоров³⁷, Л. Н. Гумилев³⁸, П. Кушнер (Книшев)³⁹, С. А. Токарев⁴⁰, И. Козлов⁴¹, Ю. В. Бромлей⁴² ва бошқа олимларнинг хизматлари катта бўлган.

³⁵ Diwangulyýewa B. Wwebaşg. Türkmenistanyňetnologiýasy. Ýokary okuw mekdepleri üçin okuw kitaby. – A.: Türkmen döwlet neşirýatgullugy, 2018. – 189 b.

³⁶ Туркмены / Отв. ред. Н. А. Дубова. – М.: Наука, 2016. – 635 с.

³⁷ Широкогоров С. М. Место этнографии среди наук и классификация этносов / Введение в курс этнографии Дальнего Востока, прочитанный в 1921–1922 году в Дальневосточном государственном университете. – Владивосток: Свободная Россия, 1922. – 22 с.; Ўша муаллиф. Этнос. Исследование основных принципов изменения этнических и этнографических явлений. – Шанхай: Отдельный оттиск из LXVII Известий Восточного факультета Государственного Дальневосточного университета, 1923. – 134 с.

³⁸ Гумилев Л. Н. Этногенез и биосфера Земли. – СПб., Кристалл, 2001. – 640 с.; Ўша муаллиф. Этнос: мифы и реальность. Фрагмент монографии «Этногенез и биосфера Земли // Дружба народов. – 1988. – №10. – С. 218–231; Ўша муаллиф. География этноса в исторический период. – Л.: Наука, 1990. – 253 с.; Ўша муаллиф. Этносы и антиэтносы: Главы из книги // Звезда. – 1990. – №1. – С. 134–142. – №2. – С. 119–128; №3. – С. 154–168.

³⁹ Кушнер П. И. Этнические территории и этнические границы. – М.: Изд. Акад. Наук СССР, 1951. – 280 с.; Ўша муаллиф. К методологии определения этнических территорий // СЭ. – 1946. – №1.; Национальное самосознание как этнический определитель // КСИЭ. – М–Л., 1949. Вып. 8.

⁴⁰ Токарев С. А. Избранное: теоретические и историографические статьи по этнографии и религиям народов мира. – М., 1999.; Ўша муаллиф: История зарубежной этнографии. – М.: Высшая школа, 1978.

⁴¹ Козлов В. И. К вопросу об изучении этнических процессов у народов СССР // СЭ. – 1961. – №4. – С. 58–73.

Ушбу назариянинг маромига етказилиб, унга нисбатан батафсилроқ таъриф Ю. В. Бромлей томонидан берилган⁴³. Олим этносга “аниқ бир худуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўзини ўзи этник англаш ва ўз этник номи (этноними)га ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир”⁴⁴ – дея таъриф берган. Бундан ташқари, Ю. В. Бромлей этносни тор ва кенг маънода тушуниш кераклиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Бу фанда *этносинг дуалистик концепцияси* деб аталади.

Ғарб давлатларида кишиларни маълум бир белгилар асосида алоҳида халқларга ажратиб ўрганиш анъанаси мавжуд эмас. Аксинча, ушбу минтақада инсонлар жамоаси маданияти ва ижтимоий тузилиш хусусиятига кўра ўрганилади. Шу боис, Ғарбда кишиларни тарихан таркиб топган этник жамоалар тарзида эмас, балки у ёки бу хусусиятлар, белгилар асосида ўзларини маълум бир этник бирликка (миллатга) мансуб деб ҳисоблаши асосида тадқиқ этилади.

Ўз навбатида, кишиларнинг ўзларини маълум белгилар (булар тил, маданият, психик тузилиш) асосида бир этник жамоага мансуб деб билиши “этниклик (ethnicity, этничность)” деб аталади. Янада тушунарли бўлиши учун шуни таъкидлаш керакки, “этниклик” деганда, алоҳида кишиларнинг ўзини қандай асосларга кўра ўз миллатдошлари билан ўхшаш, бир хил ёки умумий, ягона бир гуруҳга мансуб деб ҳисоблаши назарда тутилади. Ғарб олимларининг расмий тасаввурига кўра, этниклик этник гуруҳларнинг маданий хусусиятлари йиғиндисидан иборат⁴⁵. Шунга кўра, этник ёки миллий бирликлар ўзларини у ёки бу белгилар асосида умумийликка эга деб ҳисобловчи маданий гуруҳларнинг тасаввурий бирлигини ташкил этади.

“Идентиклик” лотинча – “*identicus*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “бир бирига айнан ўхшаш, айнан бир хил” деган маъноларни англатади. Илмий тушунча сифатида у инсонларнинг ўзларини алоҳида индивидуал тарзда бошқа инсонлардан ажралиб туриши (бу индивидуал идентиклик дейилади) ва шу билан бир қаторда қандайдир белгилар асосида маълум бир ижтимоий гуруҳга (бу эса ижтимоий идентиклик дейилади) мансублиги ҳақидаги тушунчасини англатади⁴⁶. Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, этник идентикликка нисбатан примордиализм, конструктивизм ва инструментализм каби ёндашувлар мавжуд.

Диссертациянинг **“Туркманларнинг анъанавий турмуш тарзи ва хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар”** деб номланган иккинчи бобида туркман уруғлари ва уларнинг воҳага келиб жойлашуви, жамоавий ҳаётининг ўзига

⁴² Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса. – М., 1983. – С. 34.; Ўша муаллиф. К характеристике понятия «этнос» / Расы и народы. – М., 1971; Ўша муаллиф. Этнос и этнография. — М.: Наука, 1973; Ўша муаллиф. О предмете культурной-социальной антропологии и этнографии в трактовке англо-американских и советских ученых (опыт сравнительного анализа) / Этнография за рубежом. – М.: Наука, 1979; Крюков М. В. Этнография: место в системе наук, школы, методы // СЭ. – 1987. – №3; Ўша муаллиф. Современные проблемы этнографии: очерки теории и истории. – М., 1981.

⁴³ Аширов А. А. Этнология (ўқув қўлланма). Иккинчи нашр.... – Б. 118–120.

⁴⁴ Бромлей Ю. В. Очерки теории этноса. – М., 1983. – С. 34.

⁴⁵ Аскарлов А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи... – Б. 35; Аширов А. Этнология... – Б. 131.

⁴⁶ Эриксон Э. Идентичность: юность и кризис. Пер. с англ. / Общ. ред. и предисл. А. В. Толстых. – М.: Прогресс, 1996. – 344 с.

хос хусусиятлари, хўжалик ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида маълумот берилади. Ушбу бобнинг *“Туркманлар генеалогияси ва оилавий ҳаёти”* деб номланган биринчи параграфиди туркман диаспораси, “туркман” атамасининг келиб чиқиши ва Хоразм воҳасига кириб келиш сабаблари хусусида тўхталиб ўтилган. Этнограф О. Тумановичнинг фикрича, “туркман” номи араблар томонидан берилган. Чунки, араблар жангларида ўғузларнинг қаттиқ қаршиликларига дуч келиб, уларни умумий ном билан “туркман” деб атаган эди. Ушбу сўз арабчада “туркий руҳлар, туркий мавжудотлар ва мажозий маънода туркий халқ” деган маънони англатади⁴⁷. Мазкур атамани Абулғози Баҳодирхон томонидан “туркмонанд”, яъни “туркка ўхшаш, кейинчалик оддий халқ ушбу сўзни айтолмасдан, уларни “туркман” деб атай бошлади”- дея таъриф берилган⁴⁸. “Туркман” ибораси одатда, “турк” атамаси билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этилади. Бундай қараш оддий халқ орасида ҳам сақланиб қолган бўлиб, жумладан, туркман миллатига мансуб айрим ахборотчиларнинг фикрига кўра, “турк” – “бирлашган”, “кучли”, “қудратли”, “ман” – “одам”, яъни “кучли одам” деган маънони англатади⁴⁹.

Хуллас, туркман атамасининг келиб чиқиши илдизларини ўрганадиган бўлсак, ушбу атаманинг “соф зодагон”, “қудратли турк”, “содиқ турк”, “туркларга ўхшаш” ва ниҳоят “мен туркман” деган шакллари учратиш мумкин.

XI–XII асрларга оид тарихий манбаларга таянадиган бўлсак, ўғузларнинг 24 та уруғи бўлиб⁵⁰, уларнинг кўпчилигини номлари ҳозирги замон туркман уруғ ва қабилаларининг номларида сақланиб қолган. Тарихий-этнографик адабиётларда келтирилишича, туркманларнинг халқ сифатида тўлиқ шаклланиши XV асрга тўғри келади ва мазкур жараён асосан, ушбу 24 та уруғ доирасида рўй берган. “XV асрга келиб, туркман халқининг шаклланиш даври ниҳоясига етган. Ушбу даврда туркман этносига, айрим ўғуз бўлмаган туркий қабилалар, жумладан, қипчоқлар ҳам қисман келиб қўшилган. Туркманларда уруғларга ажратиш сақланиб қолган”⁵¹. Аммо, XVI асрга келиб, баъзи янги қабилаларнинг пайдо бўлиши натижасида 24 та қабиладан айримларининг номи тилга олинмай қўйди⁵². Ўз ўрнида шуни ҳам қайд этиш керакки, туркманларда қабилла-уруғларга ажратиш ҳозир ҳам сақланиб қолган. Улардан энг йириклари теке, ёвмут (ёвут), эрсари, солир, сариқ, гўклан ва човдирлар ҳисобланади⁵³.

Тарихий адабиётларда қайд этилишича, туркманларнинг Хоразм воҳаси томон кўпчилик бўлиб кўчишлари асосан, XVI аср ўрталарига тўғри

⁴⁷ Туманович О. Туркменистан и туркмены (Материалы к изучению истории и этнографии). – Ашхабад, 1926. – С. 90.

⁴⁸ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима... – Б. 32.

⁴⁹ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Янгиариқ тумани Гулланбоғ қишлоғи. 2020 йил.

⁵⁰ Агаджанов С. Г. Государство Сельджукидов и Средняя Азия в XI–XII вв. – М.: Наука, 1991. – С. 20.

⁵¹ Ashirov. A. Etnologiya: O'quv qo'llanma... – B. 292.

⁵² Bregel Y. An historical atlas of central Asia. – Brill Leiden-Boston, 2003. – P. 72.

⁵³ Doniyorov A. X., Bo'riyev O. B., Ashirov A. A. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi... – B. 122.

келади⁵⁴. Туркман уруғларининг аксариятини Хоразм воҳаси худудида ўтrockлашуви эса XVIII аср бошларида бошланган. Дастлаб Шимолий Эрон, Фарбий Бухоро ва Каспий денгизининг шарқий қисмида яшовчи Молқишлов (Манғишлоқ) туркманларининг *эрсари, ёвмуд, така, човдур, чандир, қорадошли, ота* каби уруғлари келиб ўрнашган.

Иккинчи бобнинг **“Жамоавий ҳаётнинг ўзига ҳос хусусиятлари”** деб номланган иккинчи параграфида воҳа туркманларида жамоавий ҳаёт, туркман маҳаллалари ва уларнинг ўзига ҳос хусусиятлари ёритилган.

Маълумки, шарқда маҳалла қариндошлик ришталарининг марказий бирлиги бўлиб, Марказий Осиё халқларида миллий ўзликни англаш жараёнида алоҳида аҳамиятга эгадир. Мусулмон оламида маҳаллалар бошқарувнинг ўзига ҳос шакли саналиб, турлича номлар билан номланади. Воҳа туркманларида маҳаллалар – “элот (овва)” деб номланиб, одатда 2 қисмдан иборат бўлади. Оёқ овва (пастки элот) ва қайроқи овва (юқори элот). Ҳозирги кунда Хоразм вилоятида бир қанча туркман маҳаллалари сақланиб қолган бўлиб, булар жумласига Урганч туманидаги “Туркманлик”, Кўшкўпир туманидаги “Шихобод”, Гурлан туманидаги “Наврўз”, Шовот туманидаги “Бўстон”, Янгиариқ туманидаги “Вакиллар”, Боғот туманидаги “Қалажиқ” МФЙлар ва Тупроққалъа туманидаги Саримой худудлари киради.

Урганч туманидаги “Туркман” маҳалласи олдинлари Хива хонининг жангчилари яшовчи худуд саналиб, ҳозирда “Улли ҳовли” атрофида ўша туркман жангчиларининг авлодлари яшашда давом этмоқда. Ушбу маҳаллада яшовчи кексалар билан суҳбатлашиш жараёнида шунга амин бўлиндики, дастлаб туркман маҳаллаларида турли масалаларни хал қилишда “адат (одат ҳуқуқи)”, “эдеп (одоб ва хулқ-атвор кўрсатмаси)”, “шаригат (ислом қонунлари)”га таянганлар⁵⁵. Маҳаллаларда ёш авлодга ижтимоий фаоллик ва туркманлик (туркманчилик) туйғуси билан яшаш ҳақида маслаҳат берилади.

Туркманларда миллий ва этник ўзликни англаш билан бирга воҳага ҳос, қадимги Хоразм маданиятига оид бўлган худудий ўзлик шаклланганлигини ҳам кузатиш мумкин. “Сиз ўзингизни маданий жиҳатдан аввало, қайси жамоа билан кўпроқ яқинроқ деб ҳисоблайсиз?”-деган саволга 25 фоизи “Туркманистондаги миллатдошларим билан”, 65 фоизи “Хоразм ўзбеклари билан”, 10 фоизи эса “Хоразмда яшовчи бошқа халқлар: қозоқ ва қорақалпоқлар билан”, дея жавоб берди. Асрлар давомида ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб борганлигига аниқлаш мақсадида респондентларга “Сиз учун туркман жамоаси вакили бўлиш муҳимми ёки ўзбек жамоасими?” деб савол берилганда, ахборотчиларнинг 63 фоизи “туркман жамоаси”, 25 фоизи “ўзбек жамоаси” ва 12 фоизи эса икки миллат жамоаси вакили эканини таъкидладилар.

⁵⁴ История Туркменской ССР. Т.1. Кн.1. – Ашхабад, 1957. – С. 410.

⁵⁵ Дала ёзувлари. Хоразм вилояти Урганч тумани Ғойбу кишлоғи “Туркманлик” МФЙ. 2021 йил.

Иккинчи бобнинг “*Хўжалик ҳаётдаги ўзгаришлар*” деб номланган учинчи параграфда воҳа туркманлари хўжалик ҳаётининг етакчи тармоқлари ёритилган.

Хива хонлиги туркманлари ҳаётида чорвачилик ва балиқчилик етакчи соҳалар саналган. XIX асрнинг биринчи ярмида туркманлар хўжалик-маданий жиҳатдан кўчма (чорва) ва ўтроқ дехқон (чўмур) каби қисмларга бўлинган⁵⁶. Туркманлар кўчиб келган пайтлари Хива хонлари томонидан асосан, чегара ҳудудларига жойлашган. Вақтлар ўтиши билан ҳудудга мослашиб, ўзлари ва чорва моллари учун экин экканлар.

Одатда, туркман эркаклари чорвачилик билан шуғулланишган, ўтовлар тайёрлаган, аёллар эса гилам тўқиш билан машғул бўлган. Улар хоннинг талабига биноан, кўшин учун отлиқ навкарлар етказиб берган. Ҳаттоки, “Каспий бўйида яшовчи туркманлар ўзларининг чорва молларини зарур бўлган нарсаларга алмаштириш учун Хива бозорларига боришга мажбур бўлиб, Астрахань билан савдо қилишда Хива устидан ўтишган”⁵⁷. Асрлар давомида чорвага ихтисослашув аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплай олмаган.

XVIII–XIX асрларда туркман отлиқ аскарлари Хива ва Бухоро хонлигида асосий жанговар бирлик саналган. П. Ивановнинг қайд этишича: “Хонлик ўз таркибида ажойиб туркман отлиқларига эга бўлгани ҳолда Бухородан Россия ва Эронга олиб борадиган муҳим савдо йўлларини ҳам назорат қилиб, Бухоронинг ташқи савдосини маълум даражада Хивага қарам қилиб қўйган эди⁵⁸”. Хива хонлигида асосан, ҳарбий вазифаларни бажарган туркманлар ҳақиқий отлиқлар сифатида бир нечта от зотларини кўпайтирди. Ёвмут, Баёт, Текин, Гўклан, Човдур, Сарик ва Ота уруғлари орасида ахалтекин ҳамда ёвмут зотли отлар анчагина қадрланган. Айниқса, ахалтекин отлари бугунги кунда ҳам бутун дунёга машҳурдир.

Отдан кейинги транспорт воситаси туя саналиб, ундан асосан, юк ортиш мақсадида фойдаланилган. Қуллар ва чўриларни Хивага туркманлар туяга ортиб келган. Қулларни сотиб бўлгандан кейин, улар ўз жойларига кетаётганда, шу туяларга дон ортадилар ва шу вақтда дон учун закот тўлайдилар⁵⁹.

Хоразм воҳасида яшаётган туркманларнинг азалдан чорвачилик билан билан бирга ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Туркманларда темирчилик, қуролсозлик, заргарлик, кўнчилик ва дурадгорлик ҳунарлари кенг тарқалган⁶⁰. Уй ва ўтовларда хотин-қизлар гиламчилик ва мато тўқиш билан машғул бўлган. Туркийшунос олим Ҳасан Ато Абуший туркманларни: “Ўшандоқ ингичка ва нафис ҳунар ҳамда саноъатлар билуб,

⁵⁶ Раҳимов Д., Матрасулов Ш. Феруз, шох ва шоир қисмати. – Тошкент, Ғафур Ғулом, 1991. – Б. 70.

⁵⁷ Данилевский Г. И. Описание Хивинского ханства / Записки Императорского Русского географического общества. Кн. V. – СПб., 1851. – С. 96.

⁵⁸ Рязанов А. Ф. Сорок лет борьбы за национальную независимость казахского народа (1797–1838 гг.) / Труды общества изучения Казахстана. – Кзыл-Орда, 1926. Т.VII. – С. 93.

⁵⁹ Кун А. Л. Заметки о податях в Хивинском ханстве // Туркестанские ведомости. – 1873. – №1. – С. 32.

⁶⁰ Doniyorov A. X., Bo'riyev O. B., Ashirov A. A. Markaziy Osiyo xalqlari etnologiyasi. Darslik. – Toshkent, 2020. – B. 128.

маъдандин анвоъи гўзал ашё ва қуроллар ёсодиклари каби, дунёда мисли кўрилмаган ажиб, нафис турк шолли ва поласлари, Туркистон адрас, бекасам ҳамда дариялари ишлар эдилар”⁶¹,-дея тарифлайди.

